

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

2/2015





Мирзаев С.А. Машинасозлик саноатида ишлаб чиқариш хусусиятлари	95
Мирзоев Н.Н. Электр энергетика соҳасида экологик тарбия орқали иқтисодий самарадорликни ошириш	99

## ОИЛА ВА ҲУҚУҚ

Маҳкамов У.И., Тилябова Н.У. Бола тарбиясида оила муҳити	104
Жўрахонов М.Э. Оилавий тадбиркорлик - жамият барқарорлигини таъминлашнинг бош омили	111
Маҳкамова Н. Талабаларда миллий тафаккурни шакллантириш	114

## МУРАББИЙ ВА ТАЛАБА

Халлокова М.Э. Ёшлар онгида тинчликсеварлик туйғусини шакллантириш	120
Ҳамзаев Ҳ.Х. Ижтимоий фаол шахснинг интеллектуал хусусиятлари	124
Джураева П.С. Бошланғич синф ўқувчиларида одоб маданиятини шакллантириш	130
Йўлбарсова С. Талаба-ёшларда мустақил таълим олиш жараёнини фаоллаштириш	135
Бабаева Д.Х. Мусика маданияти машғулотида ўқувчиларнинг психо-физиологик хусусиятлари	139
Исломов Н. Ўзбек мусика санъатида доирачилик мактабининг шаклланиши	145

респондентларимизнинг 82 фоизи “хар бир киши бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиши керак” деб кўрсатади. Бу жавоблар ичида энг юкори кўрсаткичдир.

И.А.Каримов мустакиллик йилларида бозор иктисодиётига ўтишни таъминлайдиган ва ҳуқуқий кафолатлайдиган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинганини, шу билан бирга “иктисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш” бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизда 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди. Мазкур йўналиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди, аҳолини иш билан банд этиш, миллий анъаналарга мос келадиган оилавий бизнесни, касаначилик, ҳунармандчилик ва маиший-маданий хизматлар кўрсатишни қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди. Солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилиши хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотлардаги улушини 55 фоизга етказди. Шунинг учун ҳам респондентларнинг 93,8 фоизи мамлакатимизда эркин иктисодий фаолият учун яратилган қулайликлардан қониқиш олаётганини билдиришади. Мазкур кўрсаткич 2011 йили 89,9 ва 2012 йили 92,9 фоизни ташкил этган эди.

Иктисодий фаолият билан анъаналар, турмуш тарзи, маданий-тарихий тажрибалар ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган муштараклик бор. Бу ўринда оилавий бизнесни, ҳунармандчилик ва касаначиликни эслаш мумкин.

Юкорида келтирилган рақамлар, мисолларни умумлаштириб айтишимиз мумкинки, биринчидан, кишилар онгида янги даврга, бозор иктисодиёти талабларига мувофиқ келувчи тасаввурлар шаклланиб, улар трансформация жараёнларини юзага келтирди. Иккинчидан, маъмурий-буйрукбозлик, режали таксимот тизимидан воз кечилди, лекин уларнинг асорати биринчи ва иккинчи босқичларда сақланиб қолаётгани кузатилади. Шу боис ижтимоий-иктисодий онг тўлқинсимон ўзгарган. Учинчидан, “Ўзбек модели” бозор иктисодиётига босқичма-босқич ўтишни иктисодий демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан уйғун ҳолда олиб боришни назарда тутгани туфайли ижтимоий онгда позитив қарашларни, ислохотларга креатив муносабатларни шакллантирган.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
2. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараккиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Галапов Б. Бозор иктисодиётига ўтиш ва мамлакатни модернизациялаш – миллий демократик тараккиёт омили. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ инст.нашр., 2011.
4. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. –Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
5. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.–Т.: Маънавият, 2008.

Ўзбекистон Миллий университети

Топширилган вақти: 9.03.15 й.

УДК 622.012.7

#### Машинасозлик саноатида ишлаб чиқариш хусусиятлари Мирзаев С.А. (АнДМИ)

Маколада Республикаимизнинг машинасозлик саноатида тежамкор ишлаб чиқаришни татбиқ қилиш юзасидан эришилаётган натижа, корхонада иш жойини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларни олдини олишда



кўриладиган чоралар ҳақида маълумотлар, ишлаб чиқариш корхонасида Kaizen усулини такомиллаштириш ва замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари ёритилган.

Ҳозирги кунда тежамкорликни фақат ишлаб чиқариш корхоналарида эмас, балки давлат бошқарувининг барча ташкилотларида ҳамда ҳар бир соҳада қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган. Ушбу тизимни қўллаш оқибатида ҳар бир ишчи ходим ўз иш ўрнида керакли асбоб-анжомларни қўллай билишни, мутахассислиги устида жиддий ишлашни ўргатиш масалалари ёритилган.

\*\*\*

В статье освещены достижения по внедрению экономичного производства в машиностроительную промышленность нашей республики, особенности организации рабочего места на предприятии, сведения о мерах по предотвращению убытков в процессе производства, вопросы по усовершенствованию метода Kaizen на производственном предприятии, организации современного производства.

Отмечено также, что в настоящее время применение экономичности в производственной системе можно использовать не только на предприятиях, но и во всех организациях государственного управления, более того, в любой сфере.

\*\*\*

The article is about the achievements on introduction of economical production in machine-building industry of our republic, the peculiarities of organizations of work places at enterprises, and information about measure on prevention of the losses in production process, and questions on improvement of the method Kaizen on enterprise production, organizations of modern production.

The author comes to a conclusion that at present, adoption of economy in production system not only possibly used in production enterprise, but also in all organization of state management, in any sphere also.

**Калит сўзлар:** машинасозлик саноати, модернизация, технология, тармоқлар, бозор муносабатлари, самардорлик, тизим, савдо, тараккиёт, тежамкорлик, сифат, тузатиш, қайта ишлаш.

**Ключевые слова:** промышленное машиностроение, модернизация, технология, отрасли, рыночные отношения, эффективность, система торговли, развитие, бережное отношение, качество, разработки.

**Keywords:** industrial machine building, modernization, technology, branches, market attitude, efficiency, system, developments, careful relations, quality, development.

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан, иктисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Чунки, иктисодиётнинг барча тармоқларини бир текисда ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ички ва ташқи бозорларда харидоргир, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини мунтазам ошириб бориш имконини бермоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "...иктисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор".

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарали йўналишларини аниқлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари мамлакатимиз иктисодиётида муҳим аҳамият касб этади.

“Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш харажатларининг юқори экани, тайёрланаётган маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало иктисодиёт реал



сектори тармоқларининг технологик жихатдан қолоклиги бугунги кунда рақобатбардошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда». Юртимиздаги машинасозлик тармоғи корхоналарида ишлатилаётган ускуналар бўйича ўтказилган техник аудит натижалари, шу ускуналарнинг 37 фоизи эскирганини кўрсатди. Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатлари билан узвийлигини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши ҳамда бозор талабларига жавоб бериши ва бозор муносабатлари шароитида рақобатлаша олишидан иборатдир.

Ҳозирги кунда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат килаётган “Lean production” яъни “Тежамкор ишлаб чиқариш” бошқарув тизими республикамизнинг барча ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ этилиб, қўлланилиб келинмоқда.

“Lean” инглизча сўз бўлиб “ихчам” деган маънони англатади. “Lean”нинг мақсади кўп маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, аксинча кам миқдорда, аммо зарур ва керакли маҳсулотни ишлаб чиқаришдан иборат. Бунда озгина, аниқроғи керакли маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчи талабидан ортикча маҳсулотни ишлаб чиқармаслик тушунилади.

Тежамкор ишлаб чиқариш маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошқариш, иш жараёни, етказиб берувчи ва миқдорларни ўртасидаги ўзаро муносабатлар, истеъмолчи талаби билан маҳсулотни аниқ вақтда тайёрлаш ҳамда нуқсонли маҳсулотларни имкони борича кам миқдорда бўлишини таъминлаш оммавий ишлаб чиқариш технологиясига асосланган корхона тизимини вазифасидир. Бу билан сарфланадиган меҳнат, майдон, маблағ ва вақтнинг ҳажми камайтиради ва тежаллади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япониянинг “Тойота” компанияси Тежамкор ишлаб чиқариш тизимига асос солган. Lean Production термини Массачусетс технология институтининг илмий ходими Джон Крафчик томонидан киритилган.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қуйидаги асосий омиллар орқали эришилади:

- ишлаб чиқаришнинг технологик негизини тараққий эттириш;
- ишлаб чиқаришда янги илғор усуллар, ғоялар, кашфиётлар киритиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг иктисодий самарадорлигини ошириш;
- илғор усуллар, ғоялар ва кашфиётлар киритиш сиёсатини қулайлаштириш;
- ишлаб чиқариш тизимининг тузилмасини мукамаллаштириш.

Ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлигининг умумий мезони бўлиб унумдорлик даражаси хизмат килади.

Ҳозирги кунда Республикаимизнинг бир қатор корхоналарида тежамкор ишлаб чиқариш тизими қўлланилиб келинмоқда, буларга GM Uzbekiston корхонасини мисол келтириш мумкин. Тежамкорона ишлаб чиқариш тизимининг асосларидан бири бўлиб, корхонада иш жойини ташкил қилишда 5S тизими қўлланилиб келинмоқда. 5S тизими қуйидагича:

1. Тартибга сол: ҳамма кераксиз нарсадан ҳоли бўл.
2. Тартибни кузат: ҳар бир жиҳозни ўз жойидалигини белгила.
3. Иш жойингда тозаликни сақла.
4. Стандартлаштир: тартиб ва тозаликни қўллаш тартибини.
5. Тартибни такомиллаштириш: уни қўллашни кучайтир.

5С тизими иш жойини ташкил қилишда, самарадорликни нисбатан ўсишига, иш жараёнларини бошқаришга, корхонани маданиятини яхшилашга ва вақтни тежашни қўллайди. 5С тизими тартибга солиш, тартибни кузатиш, тозаликни сақлаш, стандартлаштириш ва такомиллаштиришни ўз ичига олди.

5S тизими одатда тежамкорона ишлаб чиқариш тизимининг биринчи босқичи ҳисобланади. Бу кейинчалик ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган эски-тускилардан ҳоло қилишда ва ҳоли бўлишга ёрдам беради.

«Техник тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан ишлаб чиқилган модернизация дастурларининг сифат мезонига биноан, самарадорлик,



экологияга мослиги ва энергия тежамкорлиги стандартларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар бартараф этилади.

Яна таъкидлаш жоизки, 2010 йил 19-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг “Марказий Осидо минтакавий иктисодий ҳамкорликка кўмаклашиш” техник ҳамкорлик дастури ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон Бизнес-форуми” лойиҳаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда “Кайдзен” (Тежамкор) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий услубларини жорий қилиш натижаларини тақдим этди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармони бу борадаги вазифаларни бажаришда муҳим омил бўлмоқда.

Тежамкор ишлаб чиқаришни яна бир асосларидан бири “Кайдзен”дир. “Кайдзен” ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий услубларидан биридир. Бу дастур ишлаб чиқаришда вақт, маблағ, материаллар сарфини қисқартириш, товар ва хизматлар сифатини ошириш, харажатларни камайтиришга қаратилган. Ишлаб чиқаришни узлуксиз такомиллаштириб боришда хизматчиларни мунтазам рағбатлантириш, ўз вақтида Ford Motor Company нинг корпоратив маданиятининг асосий қисмини ташкил этиб, буни эса ҳозирги вақтда кайдзен деб аташ қабул қилинди. Ҳозирги кунда кайдзен тизими илғор япон корхоналарида муҳим роль ўйнамоқда.

“Кайдзен” япон фалсафаси бўлиб, хизматчидан тортиб то раҳбариятнинг фаолиятигача бўлган босқичларни, ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам равишда такомиллаштириш гоёсини илгари суради. “Кайдзен”нинг мақсади ишлаб чиқаришни исрофгарчиликсиз, тежамкорлик билан юритишни англатади. “Кайдзен” фалсафаси илк бор Япониянинг Тойота компаниясида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қайта тикланиш даврида қўлланилган.

Япония компаниялари одатда Кайдзенни афзал кўради, Европада эса буни иккинчи даражада билиб, инновация афзал кўрилади (1-жадвал).

1-жадвал

Кайдзен ва инновация

	Кайдзен	Инновация
Япония	Кучли	Кучсиз
Европа	Кучсиз	Кучли

Сифат учун сарфланадиган харажатларни бошқариш масаласида япон илмий концепцияси ўзига хос ўрин эгаллаб, у сифатни таъминлаш учун имкони борича кўпроқ инсон ресурслари жалб қилинишига йўналтирилиб, амалда маҳсулотни нуксонсиз тайёрлаш муаммосини ҳал этиш имконини берди.

*Тежамкор ишлаб чиқаришнинг асосларидан яна бири йўқотишларни 8 та туридир. Йўқотишлар – бу истеъмолчи ҳақини тўламайдиган барча меҳнат фаолиятини англатади.*

Бу йўқотишларга фақат ишлаб чиқариш линияси эмас, балки маҳсулотни қайта ишлашда, буюртма қабул қилишда ва иш юритишда содир бўладиган ҳолатлар ҳам қиради. Йўқотишларни 8 турини қуйидагилар ташкил этади:

1. *Кўп ишлаб чиқариш (ортикча ишлаб чиқариш) - буюртма қабул қилинмасидан олдин ишлаб чиқарилган буюм, захирани йўқотишга ҳамда ортикча кучни сарф қилишга, омборга жойлаштиришга ва транспортда ташишда ортикча чиким қилиш, яъни йўқотишларга сабаб бўлади.*

2. *Ортиқча юк ташиши ёки жойини ўзгартириши - юк ташишда ҳамда материал, детал ва тайёр маҳсулотни омбордан-омборга, катта масофага тугалланмаган ишлаб чиқаришни жойини беҳуда ўзгартириш сабаб бўлади.*

3. *Кутиши - автоматлаштирилган жиҳозларга қараб турадиган ишчиларни, навбатдаги операцияни бажаришни тик туриб кутиши, асбоблар, деталлар ва бошқалар ёки шунчаки оддий жиҳозни қайта ишлаб чиқариш тезлиги йўқлиги туфайли ишламасдан кутиб ўтириши.*



4. *Керагидан ортиқча захиралар* – керагидан ортиқча хом ашё, буюртмани ишлаб чиқариш вақтида тайёр маҳсулотни кўпайтириш, тайёр маҳсулотга зиён етказди, сақлаш ва юк ташишга сарфлар, сусткашлик ва ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш кабилар маҳсулотни аста секин эскиришига сабаб бўлади. Бундан ташқари ортиқча захира, қайта тўғрилаб ишлаб чиқариш, етказиб беришда тўхтаб қолиш, нуқсонлар, қайта созлаш вақти ва оддий жиҳозларда шундай муаммоларни ечимини топишига халақит беради.

5. *Нуқсонлар* – ишлаб чиқаришда нуқсонли деталлар ва улардаги нуқсонни тўғрилаш. Тузатиш, қайта ишлаш, чиқиндилар, маҳсулотни алмаштириш ва уни текшириш учун вақт ва кучни йўқотишга сабаб бўлади.

6. *Ортиқча ишлов бериш* – детални қайта ишлашдаги кераксиз операция. Паст сифатли асбоб билан самарасиз ишлов бериш ёки ўйлаб кўрилмаган конструктив қарор ва нуқсонни келтириб чиқарадиган ортиқча ҳаракатни жалб қилади.

7. *Ортиқча ҳаракатлар* – иш жараёнида ишчилар бажариши керак бўладиган ҳамма ортиқча ҳаракатлар: нима керак бўлса шунини топиш, керакли деталлар ва асбобларни чўзилиб олиш ёки уларни жойлаштириш билан шуғулланишидир. Шу жойига йўлни, масофани алоқаси бор.

8. *Ходимни ижодий имкониятларини йўқотишлар* – ходимларни хизматида алоқадор бўлмаган тажриба олиш ва малакасини ошириш, бундан ташқари ходимларга роботлар сингари муносабатда бўлиш, яъни механик вазифаларни бажаришга лаёқатли деб ҳисоблаш, меҳнат шароитларига қаноат қилмаслик, ишни бажариб уйга кетишга интилиш, меҳнатни рағбатлантиришни сустлиги, хизматчини бажарган ҳаракатларига нисбатан муқофотлашни тўғри келмаслиги, вақтни йўқотишлар ташкил этади.

Йўқотишларни олдини олиш учун корхонанинг ҳар бир ишчи ходими шижоат билан ишлаши керак, шунда иш жараёнида ҳеч қандай йўқотишлар келиб чиқмайди. Демак, каерда тежамкорлик бўлса, ўша жойда самара бўлади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, тежамкор ишлаб чиқариш тизимини ҳозирги кунда фақат ишлаб чиқариш корхоналарида эмас, балки давлат бошқарувининг барча ташкилотларида ҳамда ҳар бир соҳада қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тизимни қўллаш оқибатида ҳар бир ишчи ходим ўз иш ўрнида керакли асбоб-анжомларни қўллай билишни, мутахассислиги устида жиддий ишлашни ўрганади.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21/И.А.Каримов. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.
2. Иллюстрированный глоссарий по бережливому производству. / Под ред. Чета Марчвински и Джона Шука; Пер. с англ. – Москва, 2005.
3. Қосимов Ғ.Н. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси. Дарслик. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
4. Вэйдер М. Инструменты бережливого производства. Перевод с английского. – М., 2008.

Анджон давлат машинасозлик институти

Топширилган вақти: 24.01.15 й.